



ҚАРОР

№ 381-Қ

2006 йил «20» апрел

Фермер хўжалигини ташкил қилиш ҳамда ер майдони ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПҚ-215-сонли "2006 йилда кишлоқ хўжалиги кооперативларини (ширкат хўжаликлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисида"ги қарори ва Самарқанд вилоят хокимининг 2005 йил 10 ноябрдаги 203-Қ сонли ҳамда туман хокимининг 2005 йил 10 ноябрдаги 687-Қ сонли қарорларига асосан кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларининг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек кишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида Зияев Акбарнинг фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги аризасини, туман ширкат хўжаликларини тугатиш ва фермер хўжаликларига айлантириш комиссиясининг 2006 йил 28 апрелдаги танлов яқунлари баённомасини ва туман статистика бўлимининг 2006 йил 18 апрелдаги 170-06-сонли "BEKLIN-DAXBED А.А.А" га ўшаш номнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома-гувоҳномаларини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ширкат хўжаликларини тугатиш ва фермер хўжаликларига айлантириш комиссиясининг 2006 йил 28 апрелдаги танлов яқунлари баённомасига асосан танлов ғолиби деб топилган Зияев Акбарнинг "BEKLIN-DAXBED А.А.А" фермер хўжалиги пахта-ғаллачилик йўналишида ташкил этилсин.
2. "BEKLIN-DAXBED А.А.А" фермер хўжалигига тумандаги "Асал-Оқдарё" ва "Зиркота-Дахбед" фермер хўжаликларидан қайтариб олинган 212-контурдаги 1,6 гектар, 214-контурдаги 5,1 гектар, шундан суғориб хайдаладиган ери 5,0 гектар ва арик 0,1 гектар, 216-контурдаги 3,5 гектар, шундан суғориб хайдаладиган ери 3,4 гектар ва арик 0,1 гектар, жами майдони 10,2 гектар, шундан суғориб хайдаладиган ери 10,0 гектар ва ариқлар 0,2 гектар ер майдонлари 50 йилга ижарада фойдаланишга ажратиб берилсин.
3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Б.Абдураззоков)га ер кадастр ва бонитети асосида мазкур фермер хўжалигига ажратилган ер майдонларини тайёрлаш; шартномаси, тегишли меъёрий ҳужжатларни ва давлат гувоҳномасини давлат руйхатидан ўтказиш - туман хокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат руйхатидан ўтказиш инспекцияси (М.Қурбонов)га мазкур фермер хўжалигини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори талаблари асосида давлат руйхатидан ўтказиб, гувоҳнома бериш;
- туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Тўраев) га мазкур фермер хўжалигини молиявий фаолияти устидан назорат ўрнатиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларини тартибга солиш; -Ихтисослашган тижорат банкларига мазкур фермер хўжалиги учун ҳисоб ракам очиш; - туман статистика бўлими (З.Эргашев)га мазкур фермер хўжалигининг статистик ҳисоботларини қабул қилиш ва умумлаштириш вазифалари юклатилсин.
4. Ушбу ажратиб берилган ер майдонларига 2006 йил йил ҳосили учун сарфланган қаражатларни тўлаш "BEKLIN-DAXBED А.А.А" фермер хўжалиги (А.Зияев)га топширилсин.
5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман хокими ўринбосари Н.Жўраев юклатилсин.
6. Ушбу қарорнинг тасдиғи вилоят хокимидан сўралсин.

Туман хокими: *С.Негматов* Ш.Х.Негматов